

Ҳаром еб қилинган ибодат



06:10 / 26.09.2018 4450

Ассалому алайкум! Харом луқма еб қилинган ибодат қабул бўлмайди. Уйда харомдан пул топилса, фарзанд ибодат қилса, бундай ҳолатда овқат емасликнинг иложи бўлмаса, фарзанд ибодатининг ҳукми нима? 2. Фарзанд кейинчалик луқмасини ўзи пул топиб ҳалоллагандан кейин ҳозирги ибодатларини қазосини ўқийдимми? Жавобларингиз учун раҳмат

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Зиммасидан Аллоҳ [фарз](#) қилган ибодат соқит бўлади. Қолаверса уни бошқа ҳалолдан топадиган ҳолати бўлмаса ўлмаслик учун ўлимтик еса [мубоҳ](#) бўлади, қазолар ҳам соқит бўлади. Қазосини ўқимайди. Валлоҳу аълам!